

**ЛОЙИХА –СМЕТА, ( ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ  
ШАРТНОМАСИ № 17165**

Фарғона шаҳри

2022 йил 10 маън

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фарғона вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ҳ.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “ROYAL EMERALD PROJECT” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари С.Салохиддинов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятиниң шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги қонуни, Курилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид карорларига асосан лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

### **1.Шартнома мавзуси**

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Оқарик МФЙда жойлашган 35-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш (АТТА лойиҳаси, техник қўрик ишлари ҳаражатлари билан бирга) мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблаг ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **2.Шартнома бўйича ишлар қиймати**

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. « 22 » апрель кунги харид комиссиясининг 17165-сонли баёнига асосан жорий нархларда 20 700 000 (йигирма миллион етти юз минг) сўмни, шу жумладан қўшимча қиймат солиги 15% - 2 700 000 сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 4 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ 30 ” апрелда буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно: - енгиг булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### **3.Пудратчининг мажбуриятлари**

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ тоширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъкиланади.

### **4.Буюртмачининг мажбуриятлари**

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тутгалланган ишларни қабул килиб олиши таъминлаш;

### **5.Тўловлар ва хисоб-китоблар.**

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % микдорида авансни ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул килингандан сунг берилган авансни пропорционал равишида ушлаб колган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб

ракамига маблағ ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий кийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

#### **6.Ишларни бажариш**

6.1. Пудратчи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош мухандисни тайинлайди.Бош мухандис лойиха-смета хужжатлари КМК, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофик ишлаб чиқилишини назорат қиласи, бажариладиган ишлар боскичларини келишади ва бажарилётган ишлар хақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиха-смета хужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

#### **7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1. Пудратчи томонидан тайёрланган лойиха-смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер хужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида”ги ПК-3550-сонли карорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбагаликкни кисқартириш вазирлиги хузуридаги “Лойихаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хulosаси олингандан сўнг, Пудратчи З кун мобайнида лойиханинг ишчи хужжатларини 3 нусхада, смета хужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қиласи.Лойиханинг ишчи хужжатлари юкоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган хисобланади.

7.2. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четга чиқшлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аникланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётгандан аниклаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниклангандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қиска муддатда бартараф этилишини талаб қиласи. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз хисобидан бартараф қиласи.

#### **8.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

#### **9.Кафолатлар**

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиха-смета хужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

#### **10.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим боскичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлади.Пудратчи тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида катнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиха-смета хужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган қидирив ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аникланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар анифланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талби билан лойиха-смета хужжатларини бепул кайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофик зарур кўпимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган заарларни коплади;  
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганилиги, тегишли дастур бўйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирумaganлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларниң бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пењанинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларниң бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пењанинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмиглаш ишларини бажариш давомида объектда лойиха-смета хужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ заар тўлигича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пењанинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёrlари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортishi, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукукига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганилиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мulkнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни коплади.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларниң бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганилиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблаг олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектта бюджетдан маблаг ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошкармаси томонидан объектниң вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблаг ажратилмаганилиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганилиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пењялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари куйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

## 11. Коррупцияга карши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга карши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;
- шу жумладан, пора таклиф килмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;  
-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси конунларида зид бўлган хатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукукбузарликларни содир этганилиги хакида алока каналларига мурожаат килиши мумкин.

## 12. Низоларни хал килиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро хал этолмаса, улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фаргона туманлашаро иктисадий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 13. Шартномани бекор килиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июляга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган холда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганини маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иктисадий тараққиёт ва камбағалликни қискартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари кисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган такдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунинг қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор килишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди.

## 14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фаргона вилоят Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома З (уч) нусхада тузилди. Уч нусха ҳам айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

## 15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

### Буюртмачи»

Фаргона вилоят хокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати”

Манзили: Фаргона ш. Темириўл кўчаси 37-йй  
Тел./факс 244-52-24  
ШХР: 302021860304017094100075007  
Ташкилотнинг: СТИР 204816336 ОКЭД-  
Фаргона вилояти бўйича Газначилик бошқармаси  
ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010  
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)  
МФО: 00014 Газначилик бўлинмасининг  
СТИР: 201 122 919

Рахбар  Х.Долимов

  


### «Пудратчи»

“ROYAL EMERALD PROJECT” МЧЖ

Манзил: Бешариқ т. Олтин водий кўчаси 131-йй  
Тел: 998-94-442-00-38  
ХР: 2020 8000 705 164 559 001

Банк: ИнФинбанк Фаргона шаҳар филиали

МФО: 01128 ИНН: 305 020 865

ОКОНХ:   
Директор 

С.Салоҳиддинов